

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам сиз ва мураббийлар!
Аввало, уст, азизларни, юртимиздаги таълим-тарбия соҳаси ходимларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни - умумхалқ байрами билан чин қалбидан муборакбод этиб, барчангизга энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Халқимиз ўзининг азму шижоати, бунёдкорлик салоҳияти билан Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган бугунги кунда ушбу улғу айёмнинг моҳияти, муаллим ва устозларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти айниқса ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз азалдан эъзозлаб келадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг макomini, кадр-қимматини янада юксалтириш - биз амалга ошираётган давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлангани ҳам шундан далолат беради.

Зеро, донишмандлар айтганларидек, мамлакат аввало ердан ризк-насиба ундирадиган деҳқонлар, халқни ёвдан, турли ёвузликлардан химоя қиладиган аскарлар, ёш авлодга таълим ва тарбия берадиган фидойи муаллимларнинг савий-ҳаракати билан обод ва фаровон бўлади.

Хурматли ватандошлар!
Кейинги йилларда миллий таълим стратегиямиз асосида юртимизда таълим ва тарбия тизимида ҳам том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа фурсатда соҳага оид кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Янгиликлар Конституциямизда ўқитувчининг мақоми алоҳида белгилаб қўйилди.

Республикамизда ҳар йили янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига мос янги авлоди яратилмоқда.

Айниқса, мактабга таълим тизими дунёдаги илғор тажрибалар асосида мутлақо янгилик ривожланиш босқичига қадам қўйди. Юртимиздаги болалар боғчалари сони 8 баробар ошиб, салкам 38 мингтага, жумладан, нодавлат таълим муассасалари 250 тадан 29 мингтага, қамров эса 27 фоиздан 76,4 фоизга етгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу ҳақда сўз юритганда, охириги етти йилда 5 мингдан зиёд мактабда, шу йилнинг ўзида эса 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилганини таъкидлаш лозим.

Илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 288 минг нафардан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши йўлга қўйилди.

Хусусий сектор ривожини учун яратиб берилаётган қулай имкониятлар натижасида нодавлат мактаблар улуши 5 фоизга етгани диққатга сазовордир.

Биз инсон кадрини улуғлашга қаратилган улкан ишларимиз доирасида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг иш ҳақи 2016 йилга нисбатан ўртача 2,5 марта, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши эса 4,5 карра ўсгани, октябр ойидан педагог ходимларнинг иш ҳақи яна 15 фоизга оширилиши шу борадаги савий-ҳаракатларимиз натижасидир.

Таълим сифатини юксалтириш мақсадида педагогларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ва вертикал тизим яратилди. Жорий йилда ҳозирга қадар 142 нафар ўқитувчи илғор хорижий давлатларда малака ошириб қайтди. Мактаб директори

лавозимига тайинлаш тизими такомиллаштирилиб, уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби ўрнатилди.

Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли ёшларимиз билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритаётгани барчамизни мамнун этмоқда.

Ўқувчиларимиз 2010-2016 йилларда халқаро фан олимпиадаларида 73 та медални қўлга киритган бўлса, сўнгги етти йилда 349 та, 2024 йилнинг ўзида эса 122 та медалга сазовор бўлгани ҳам биринчи навбатда сизларнинг машаққатли меҳнатингиз самарасидир.

Бу борада халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларнинг устозларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани ва шу мақсадда Давлат бюджетидан 6 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта буюк алломаларимизга бағишланган халқаро фан олимпиадаларини ўтказишни бошладик. Бу эса фарзандларимиз, бутун халқимиз қалбига ғурур ва ифтихор туйғуси билан бирга, дунёда Ўзбекистоннинг маърифий нуфузини ҳам юксалтирмоқда.

Мактабда иккинчи хорижий тил ва касб-ҳунарларни ўргатиш борасида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Жорий ўқув йилида 354 та мактабда 16 мингдан зиёд ўқувчига иккита хорижий тилни ўқитиш, 289 та мактабда 40 мингдан ортиқ ўқувчига касб-ҳунар ўргатиш йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда юртимизда 135 та янги олийгоҳ ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 211 тага етказилди, тизимда қамров даражаси 4 баробардан зиёд ошди, 9 фоиздан 38 фоизга етгани мисолида бунинг яққол кўриш мумкин.

Қадрли дўстлар!
Кўхна тарих, бугунги ҳаёт таърибаси барча муаммоларнинг ечимини, саволларнинг жавобини фақат ва фақат таълимда, камолот ва бахт эшикларининг қалити таълим ва тарбияда эканидан далолат беради.

Барчамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етишда - жонажон Ўзбекистонимизни эркин ва фаровон, ҳар томонлама обод мамлакатга айлантиришда соҳа ривожини янги сифат босқичига кўтариш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сизлар билан бўлиб ўтган сермазмун ва самимий мулоқотимизда бу ҳақда яна бир бор фикр алмашиб, келажак режаларимизни аниқ белгилаб олдик.


Ишончим комил, сиз, муҳтарам педагоглар, профессор-ўқитувчиларимиз таълим соҳасидаги ислохотларимизда янада фаол иштирок этиб, «Янги Ўзбекистон - маърифий жамият» деган олижаноб ғоямизни амалга оширишга муносиб ҳисса қўсасиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз таълим ва тарбия тизимини янада рағбат топтириш, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масаласига бундан буён ҳам устувор аҳамият берамиз ва ўқитувчиликни жамиятимизда энг обрўли касблар қаторига олиб чиқамиз.

Муҳтарам устозлар!
Мана шу шуқухли айёмда сиз, азизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эзгу ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, қадрли ва меҳрибон устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ТАЪЛИМ – СОҲАЛАР ИЧИДА ЭНГ ДОЛЗАРБИ, МАКТАБ – ЭНГ МУҲИМИ БЎЛСА, ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБЛАР ОРАСИДА ЭНГ УЛУҒИДИР

Президент Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтига ташриф буюриб, янгиланган шариоитлар билан таништи, ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан давлат мукофотларини топширди ҳамда соҳа вакиллари билан таълимда амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги устувор вазифалар юзасидан мулоқот ўтказди.

Ҳар бир ривожланган мамлакат каби Ўзбекистон ҳам ўз тараққиётини таълимга асосланиб қурмоқда. Бу соҳада чуқур ислохотлар, катта-катта дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда энг муҳим бўғин, ёшлар сиёсатининг пойдевори - бошланғич ва умумий таълимдир.

Юртимизда 37 мингдан зиёд болалар боғчаси, 10 мингдан ортиқ мактаб бор. Жойларда яна янгилик қурилмоқда. Лекин бу мақсаднинг бир қисми. Энг асосий масала - таълим сифати.

Шу боис педагог ва мутахассислар малакаси доимий ошириб борилаётган. Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг жорий йил 21 июнда қабул қилинган мактабга ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришга доир қарори бу тизимни янги босқичга кўтарди.

Жумладан, шу соҳадаги институт Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтига айлантирилди. Мавжуд мажмуа капитал таъмирланиб, иккита қўшимча бино қурилди, барчаси замонавий жиҳозланди. Тингловчилар ўрни ҳам, йўналишлар ҳам кўпайди. Энг муҳими, малака тизими мазмунан бойиди. Институт бундан 90 йил ол-

дин, 1934 йилда очилган. Шунга бағишлаб, бу ерда музей ташкил этилган. Унда жадид боболаримизнинг илмга эътибори, Абдулла Авлоний асос солган маориф тизими, ўша даврдаги дарсликлар ва саҳна асарлари, умумий таълимнинг ривожланиш босқичлари акс этган. Сунъий интеллект ёрдамида маърифатпарвар жадиллар қиёфаси гавдалантирилган. Шу ерда қарийб 88 минг китоб фондига эга кутубхона ҳам бор. Давлатимиз раҳбари ушбу музей ва кутубхонани кўздан кечириди.

Муассасада малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий, муқобил ҳамда дуал шакллари, шу

жумладан, сунъий интеллект технологиялари асосида ўқитиш жорий этилган. Ситуацион ўқув хонаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги педагогик маҳорат марказлари билан видеоалоқа орқали уланган. Узлуксиз касбий таълим, менежерлик ўқув курслари, педагогларни аттестациядан ўтказиш ва малака тоифасини бериш, мактабга ва мактаб таълимини бошқариш каби дастурий платформалар жорий этилган. Бу ҳудудлардаги директор ва ўқитувчиларни янги педагогик технология ва услубларга тезкор ўқитиш имконини беради.

2 >>

Халқаро ҳамкорлик

ТАЖРИБА АЛМАШИНДИ

Яқинда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси делегацияси Университетлар касба уюшмаси ташкилотлари Евроосиё ассоциацияси ҳамда Беларусь таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси таклифига биноан Минск шаҳрида бўлди.



Университетлар касба уюшмаси ташкилотлари Евроосиё ассоциациясининг XXXVII Қурултойида 6 та давлатдан, яъни Беларусь, Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон, Қирғизистон ва Арманистондан 80 нафардан зиёд делегат қатнашди.

Ўзбекистон делегацияси таркибига Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Р.Бедилов, Ўзбекистон Миллий университети бошланғич касба уюшма қўмитаси раиси О.Худойназаров ҳамда Андижон давлат университети бошланғич касба уюшма қўмитаси раиси М.Ботиров иштирок этишди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Университетлар касба уюшмаси ташкилотлари Евроосиё ассоциацияси 1987 йилдан буён фаолият юритиб келади. Бугунги кунда унинг сафида 70 та олий таълим муассасаси касба уюшмаси ташкилотлари бирлашган.

Тадбирда Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва касба уюшмалари фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

Айниқса, мамлакатимизда 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланиши, шунингдек, «Педагоглар мақоми тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги педагоглар учун катта ютуқ эканлиги эътироф этилди.

Қурултой давомида иштирокчилар олий таълим муассасаларида касба уюшма аъзолари билан ишлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини химоя қилиш, шунингдек, ходимларни касба уюшмасига жалб этиш механизмлари бўйича ўзаро тажриба алмашишди.

Тадбир якунида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси ҳамда Беларусь таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси ўртасида 2024-2029 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланди.

Жамил ЯРАТОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан
ходимлари касба уюшмаси
Республика кенгаши раисининг
ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси

ТАЪЛИМ – СОҲАЛАР ИЧИДА ЭНГ ДОЛЗАРБИ, МАКТАБ – ЭНГ МУҲИМИ БЎЛСА, ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБЛАР ОРАСИДА ЭНГ УЛУҒИДИР

<< 1

Бугунги кунда мактаб директори нафақат тажрибали педагог, балки яхши бошқарувчи, маълум маънода стратег ҳам бўлиши керак. Институт ўқув дастурида бунга катта эътибор қаратилиб, директорлар мактаби ташкил этилган.

Инклюзив таълим ва психолог хоналарида шу йўналишда ишлайдиган дефектолог ва тарбиячилар малакаси оширилади. Медиа студияда видеобарлар тасвирга олинади. Шунингдек, институтда конференция зали, компьютер ва семинар хоналари, ошхона ва шароитлар бор.

Маълумки, бугун мамлакатимизда аниқ ва табиий фанларга алоҳида аҳамият қаратилиб, мактаблар замонавий жиҳоз ва ўқув қўлланмалари билан таъминланмоқда. Бу ўқитувчилардан шунга мослаштириш талаб қилади. «STEM» лабораторияси педагогларни шу борада қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилади.

Замонавий таълим талабидан келиб чиқиб, институтда ўқиш соатлари кўпайтирилди. Ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш мақсадида ётоқхона замонавий таъмирланиб, ўринлар сонини оширилди.

Президентимиз ушбу хоналарда бўлиб, янги қўлайлик ва имкониятлар билан танишди.

Бу институт кутуб ўтирувчи эмас, тарғиботчи, етакчи бўлиши керак. Худудлардаги ўқитувчи ва директорларни кўпроқ тақлиф этиб, барча мактабларда сифатини ошириш зарур. Янги замон кишиси, келажакимиз бунёдкорлари мактабда тарбияланади. Таълимсиз келажак йўқ, - деди Шавкат Мирзиёев.

Бу ерда дарс берадиган ўқитувчи ва мураббийларни хоржода ўқитиш, дунёдаги илгор тажрибаларни уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида институтда 4 минг 300 нафарга яқин таълим муассасалари раҳбарлари малака ошириди. Шунингдек, 2 минг нафарга яқин директор ва директорликка номзодлар менежерлик курсларида ўқитилди. «Узлуқсиз касбий таълим» платформида орқали дарсларда 113 минг нафардан ортиқ педагоглар катнашди.

Сингапур халқаро таълим ташкилоти томонидан 100 нафар мактаб директори, 200 нафар математика ва табиий фанлар ўқитувчиси қайта тайёрланди. Институт тузилмасида Халқаро тадқиқотлар маркази ҳам иш бошлади.

Умуман, мамлакатимизда мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ҳамда мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг узлуқсиз тизими йўлга қўйилди. 2025 йилдан бошлаб улар беш йилда бир мартаба ишдан ажралган холда малака оширади. Бундан ташқари, умумий ўрта таълим муассасаларида «Касбий ривожланиш соати» ҳамда «Касбий ривожланиш кўни» жорий этилади. Президент мактабларида тўпаланган илгор тажрибалар узлуқсиз касбий ривожланиш тизими орқали умумий ўрта таълим муассасаларига кенг таътиб қилинади.

Шундан сўнг 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг бошида барча таълим-тарбия ходимларини байрам билан самимий табриклаб, халқимизнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромини етказди.

- Биз устозни отадек улуғ деб билган, уни хамиша бошига кўтариб эъзозлаган буюк, маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Тарихимиздаги қайси машҳур аждодимизни олмайдик, уларнинг барчаси устозларга юксак эҳтиром билан қараганларига гувоҳ бўламиз. Устозини, муаллимини эъзозлаган жамият, албатта, раванг топади, гуллаб-яшнайдди. Ўқитувчининг кадр-қиммати баланд бўлган халқнинг обрў-эътибори юксак бўлади, - деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётда ҳар бир эзгулик, ҳар бир кашфиёт ва ютуқнинг замирида ўқитувчининг меҳнати, бардоши ва меҳр-мухаббати мужассам экани таъкидланди.

- Таълим - соҳалар ичида энг долзарби, мактаб - энг муҳими бўлса, ўқитувчилик касблар орасида энг улуғидир. Шахсан мен ўқитувчи деганда, ўзим учун азиз ва қадрили бўлган зотларни, юз-қўздан нур ёғилиб турадиган мўътабар инсонларни тасаввур қиламан. Улар замонамизнинг энг илгор кишилари, жонқуяр, ватанпарвар, халқпарвар инсонлардир. Шу сабабли халқимиз ўзининг энг катта бойлигини - фарзандлари тарбиясини ўқитувчиларга ишониб топширади, - дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Устозларнинг донишмандлиги, ҳаёт маъносини чуқур англаб, одамларни яхшиликка ва муваффақиятларга руҳлантириши қайд этилди.

- Инсоннинг онги, дунёқараши ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаса, тарққийёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг тафаккурини, шу асосда бутун жамиятни ким ўзгартира олади? Янги бериуниларни, хоразмий ва фарғонийларни ким камолга етказди? Бундай улуғвор вазифани, том маънодаги тарихий миссияни адо этишга фақат сиз - устоз ва мураббийлар қодирсиз, - деди Президент.

Бугун юртимиз ўғил-қизлари халқаро фан олимпиадаларида, спорт майдонларида улкан марраларни қўлга киритаётгани ёдга олинди. Бу ғалабалар, аввало, устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнати самараси экани эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 сентябрдаги фармонида мувофиқ, таълим-тарбия тизимига қўшган муносиб ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Маросимда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

- Ўз меҳнати билан қадр топиш, эл-юрт ардоғида бўлиш чинакам бахт. Бу, айниқса, ўқитувчи ва мураббийларга ярашади. Қадрингиз ҳам, қаддингиз ҳам доимо баланд бўлсин, азиз устозлар, - деди Шавкат Мирзиёев.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар таълим соҳаси ва муаллимларга эътибори, камтарона хизматлари юксак баҳолагани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилди. Мамлакатимизда барча соҳа ва тармақларда улкан мақсадлар белгиланган. Уларни амалга ошириш ва тараққийотни давом

эттириш ёш авлоднинг билим ва тафаккурига, тарбиясига, ватанпарварлигига боғлиқ.

Бунинг учун ўқитувчилар ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий томондан химоя қилинган ва етарли таъминланган бўлиши керак. Шу боис янгиланган Конституциямизда ўқитувчи мақоми алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу йил «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Давлатимиз бойлиги, биринчи навбатда, ёш авлод тарбиясига сарфланмоқда. Сўнгги 7 йилда таълимни ривожлантиришга жами 216 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун бюджетдан 19,5 триллион сўм сарфланиб, 6 мингта давлат мактаби ва 3,5 мингта боғча реконструкция қилинди ҳамда янгидан қурилди. Мактабларда 800 мингта, боғчаларда 535 мингта қўшимча ўрин яратилди.

Хусусий таълимга кенг имкониятлар яратилаётгани тўғрисида хусусий мактаблар сони 27 тадан 500 тага етди, нодавлат боғчалар 250 тадан 30 мингтага кўпайди.

Ўқитувчиларга маҳорати ва эришган ютуқларига қараб тўланадиган устамалар сони 3 тадан 17 тага оширилди. Ўз устида астойдил ишлаган, хоржий сертификат олган 6 минг ўқитувчи 10 миллион сўмдан зиёд маош олмақда.

14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг дастури асосида табиий ва аниқ фанлар бўйича замонавий дарсликлар яратилмоқда. Президент мактабларидаги баҳолаш тизими ҳозир 500 та умумтаълим мактабига қўлланмоқда. Баҳолашни самарали йўлга қўйган 66 та мактаб жамоасига 40 фоизгача устам тўланмоқда.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни селекция йўли билан танлаб олиш бўйича илгари бўлмаган янги тизим йўлга қўйилди. Натигада бу йилнинг ўзида халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз 122 та медали қўлга киритди.

Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси сўнгги 7 йилда 4 қарра ошди. Бу йил 310 минг нафар ёшлар талаба бўлди. Уларнинг қарийб ярми қизлардир.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари таълим сифати масаласига алоҳида тўхталиди.

Давлат таълим муассасаларида 46 минг нафар, хусусий ташкилотларда эса 38 минг нафар педагог 5 йил давомида малака оширмагани қайд этилди. Бу йил сўнгий интеллект ва рақамли технологиялар ёрдамида ўтказилган аттестация жараёнида 21 минг нафар педагог малака бўйича етарли балл тўплай олмаган. Афсуски, бундай ҳолатлар ўқувчиларнинг билимига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис таълим сифатини янги босқичга кўтариш бўйича 7 та йўналишда вазифалар белгиланди.

Биринчи йўналиш. Абдулла Авлоний номидаги институт педагогларга касб маҳоратини оширишга масъул бўлади. Институтнинг 12 та ҳудудий марказини замонавий қиёфга келтириш ва жиҳозлаш учун яқин 3 йилда бюджетдан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади. Малака оширишда вазирлик - малака ошириш маркази - мактаб ва боғчага боғлайдиган вертикал тизим йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, жойларда 1 минг 300 та таянч мактаб ва 200 та боғча танлаб олинди, ёш педагоглар учун «Касбий ривожланиш кўни» ва «Касбий ривожланиш соати» таш-

кил этилади. Бунинг учун етакчи ўқитувчиларнинг иш ҳақиға 20 фоиз устамга қўйилади.

Иккинчи йўналиш. Муаллимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилади. Келгуси ўқув йилидан халқаро стандартлар асосида малака сертификатини бериш йўлга қўйилади. Синовларда 86 ва ундан юқори балл олган педагоглар қўшимча 70 фоиз устам олади.

Давлатимиз раҳбари «Йил ўқитувчиси» танлови ўтказилиб, 208 та туман ва шаҳардан ғолиб бўлган ўқитувчиларга совға сифатида уй-жой берилишини эълон қилди.

Шунингдек, ҳар йили санаторий ва дам олиш масканларига юбориладиган ўқитувчилар сони 2 баробар оширилади.

Бир йил олдин мактаб директорларини ўқитиш тизими жорий этилган эди. Бугунги кунда улардан 1 минг 206 нафари менежерлик сертификатига эга бўлди. Ҳозир ана шу директорларга ўртача 3 миллион сўм устам берилмоқда.

Энди бу амалиёт 2025 йил 1 сентябрдан боғча мудирларига ҳам таътиб қўйилади, уларга ҳар ойда 30 фоизгача қўшимча устам тўланади.

Билимдон ва жонқуяр ўқитувчилар халқнинг ноёб бойлиги экани таъкидланди, улар ҳақида «Устозга эҳтиром» номида китоб ва фильмлар яратиш зарурлиги айтилди.

Учинчи йўналиш. Аҳоли ўсини тўғрисида йилга мактабларда 120 мингта, боғчаларда 30 мингта қўшимча ўринга талаб юзага келмоқда.

Келгуси йили бюджетдан ажратиладиган 3 триллион 200 миллиард сўм хисобидан 375 та мактаб ва 97 та боғча реконструкция қилинади ва янгилари қурилади.

Бундан ташқари, Исломо тараққийот банки ва ОПЕК жамғармасининг 50 миллион доллар маблағи доирасида келгуси 4 йилда 200 та хусусий боғча қурилиб, янги 30 мингта ўрин яратилади.

Янги йилдан бошлаб, хусусий секторда ўқувчи ўринларини кўпайтириш учун мактаб очадиган тadbиркорларга 20 миллиард сўмгача кредит ажратилади. Кредит фоизининг асосий ставкадан 1,5 баробар ошган қисми бюджетдан қопланади.

Шунингдек, янги қуриладиган хусусий мактаб бинолари учун коммунал харажатларнинг 50 фоизи 5 йил муддатгача бюджетдан тўла берилади.

Шу билан бирга, тadbиркорлар ўз хисобидан мактаб курса, унга кетган харажатлар фойда солиғидан икки йил давомида тенг улушларда чегириб ташланади.

Тўртинчи йўналиш. Таълимда сифат ва рақобатни таъминлаш учун рақамлаштириш даражаси оширилади.

Ўтган 5 йилда 13 минг 500 дан ортиқ компьютер синф хоналари 200 мингта замонавий компьютер билан таъминланди. Келгуси йил яна 2 мингдан зиёд компьютер синфлари янгиланади, бунга бюджетдан 400 миллиард сўм берилади.

Ана шу компьютерларга электрон таълим контентлари юклиниб, болалар учун мустақил таълим олиш имконияти ошади. Ўқувчилар мураккаб концепцияларни осон ўзлаштириши учун аниқ ва табиий фанлар бўйича виртуал лабораториялар ташкил этилади. Янги ўқув йилидан бошлаб бундай лабораториялар ҳар бир вилоятда 10 тадан мактабда қилинади.

Шунингдек, мактаб тизимида ўқитувчи ўз

имконияти ва ютуқларини, янги ишланмаларини эълон қилиши учун ягона онлайн платформа яратилади.

Сингапурлик 16 нафар эксперт математика ва табиий фанлар ўқитувчиларининг касб маҳоратини оширади. Педагоглар сўнгий интеллектга асосланган таълим платформасида билимларини бир йил давомида мунтазам синовдан ўтказилади.

Хусусий боғчалардагидек, 6 минг 800 та давлат боғчаларида ҳам давомат, тўловлар, озиқ-овқат харажатларини шакллантириш тўлиқ рақамлаштирилади.

Бешинчи йўналиш. Президент мактаблари ва ихтисослашган мактаблар тажрибаси омалаштирилади.

Бу йўналишда яна 1 мингта умумтаълим муассасасида Президент мактаблари ва ихтисослашган мактаблардаги баҳолаш тизими жорий этилган бошланди. Ҳокимликларга уларни таъмирлаш ва зарур даражада жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва малака ошириш тизимида ягона узвий занжирни йўлга қўйиш учун педагог таълим кластерлари ташкил қилинади. Бу тажриба-синов тариқасида дастлаб Андижон ва Бухоро шаҳарларида барпо этилади.

Олтинчи йўналиш. Иқтидорли ёшларни селекция қилиш тизими янги босқичга олиб чиқилади. Бунинг учун халқаро даражада фан олимпиадаларига тайёрлаш маркази ташкил этилади.

Рағбатлантириладиган халқаро фан олимпиадалари сони 18 тадан 22 тага етказилади. Бунда нуфузли халқаро олимпиадада олтин медаль олган ўқувчига 170 миллион сўм, кумуш медалга 102 миллион сўм, бронза медалга учун 68 миллион сўм мукофот пули берилди.

Шу билан бирга, ана шу ўқувчиларнинг ўқитувчилари 50 миллиондан 150 миллион сўмгача мукофотланиб, уларга бир йилда 100 фоизлик устам олиш имконияти яратилади. Илк бор халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб ўқувчилар жамоаси раҳбарларини ҳам рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Президент педагогика йўналишида тахсил олаётган иқтидорли талабалар учун Абдулла Авлоний номидаги стипендияни ташкил этиш ташаббусини билдирди.

Еттинчи йўналишда таълимнинг ажралмас қисми бўлган тарбия ва одоб-ахлоқ масалаларига эътибор қаратилди. Шу мақсадда Қори Нисёй номидаги Тарбия педагогикаси миқдрий институтини янгидан ташкил этилди.

Ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантириш, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар учун тарбияга оид рақамли контентлар яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, бу борада театр ва кино санъатидан фойдаланиш, ёшлар ижодини қўллаб-қувватлаш, жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш, китобхонликни янада кенгайтириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Учрашув очик мулоқот тарзида давом этди. Бу ерда йилнинг ва худудлар орқали боғланган педагоглар фикр ва тақлифларини айтиди. Президентимиз уларни қўллаб-қувватлаб, тақлифларини амалга ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари

Табрик



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

диёримиздаги барча устоз ва мураббийларни, ҳаётини ёш авлод тарбиясидек масъулиятли ишга бағишлаган жамики юртдошларимизни

1 ОКТАБРЬ - ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

билан самимий табриклайди!

Шарафли касб эгаларига энг муҳим ва устувор масала бўлган таълим-тарбия соҳасидаги масъулиятли фаолиятида куч-айрат, ўзларига сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оиласига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Фарзандларимизни ўз боласидек севиб, ардоқлаб, уларнинг юрт ривожини ва эл фаровонлигини ҳисса қўшадиган қимматли инсонлар бўлиб етишини учун бор куч-айратини аямайдиган заҳматқаш, фидойи педагогларга улкан омадлар ҳамини ёр бўлсин!

Байрамингиз муборак, АЗИЗ УСТОЗЛАР!





Ким қандай тушунади, билмадим, аммо азиз одамларнинг йўқлиги, айниқса, кексайганида улардан жуда бўлиш жуда-жуда оғир экан. Аммо, начора?! Эсонбой Ражабов билан бир сафда ўтказган қанчадан-қанча давларимиз энди унутилмас хотираларга айланди.

У оилада уч қиздан кейин туғилганди. Бир нафар синглиси ҳам бор эди. Танҳо ўғил бўлгани учунми, тақдирга тик бокиб улғайгани билиниб турарди. Балки, барчамизнинг болалигимизни аламли дард-си-тамларга, йўқчилик ва қаҳатчилик азоб-ларига гирифторман қилган машғум йилларнинг аччиқ сабоғиданми, уруш даврида одамларнинг мунгли ва ачинарли тақдирларини кўриб, чуқур ҳис этиб ҳаётга эрта кириб келганиданми, дўстимизнинг мулоҳазакорлиги, тўғрисиқлиги ва адолатпарварлиги руҳиятига мос тугарди. У тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, билими, метин иродаси, халқимизга ва Ватанимизга чексиз муҳаббати билан дастлаб ишлаган жамоасида орттирган обрўсини элнинг чексиз хурматига айлантира олди. 1989 йилдан 2020 йилгача Қашқадарё вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарди. Кейин то умрининг охиригача - 83 ёшда вафот этгунга қадар маслаҳатчи бўлиб ишлади. Уни касабаси уюшмаларининг ҳақиқий устуси эди, десак, асло янглишмаймиз.

Эсонбой Ражабов 1961 йили Қарши давлат педагогика институтини, 1965 йили

ЎЗИДАН ЭЗГУ НОМ ҚОЛДИРГАН УСТОЗ

Ҳеч эътибор берганмисиз, олисларда кўрииб турган тоғларга қарасангиз, улар бир-бирига суюниб тургандай кўринади. Азим чинорлар ёнма-ён бўлса, янада салобатли туюлади. Одамзод ҳам шундай – доимо ўзига маънавий маслақдош, йўлдош ва содиқ дўстга эҳтиёж сезади. Бу жиҳатдан қамина бахтли инсон эдим. Эсонбой Ражабов мен учун чинакам дўст, маънавий маслаҳатчи, ҳаммаслак сафдош эди. Бироқ қисматдан қочиб бўлмайди. Қадрдон дўстим ҳам фаний дунёдан дорулбақога рихлат қилиб, кўплар сафига қўшилди.

Тошкент давлат университетини тамомлади. 1985 йилда Тошкент олий партия мактабиде таҳсил олди. 1988 йилда эса Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг сиртки бўлимини битирди. Пиривардида математик, сиёсатшуно, муҳандис-гидротехник мутахассисликларига эга бўлди.

У меҳнат фаолиятини дастлаб ўзи туғилиб ўсган Касби туманидаги давлат хўжалигида ишлашдан бошлади. 1965-1966 йилларда Қарши давлат педагогика институтини ташаббус билан қўллаб-қувватлашди. 1971 йилга қадар вилоят Ёшлар кўмитасида турли лавозимларда фаолият юритди.

Таълим муассасаларида ёшларга етакчилик қилганида ҳаракатчанлиги, масъулиятини чуқур ҳис этиши, самимийлиги ва инсоний хислатлари билан жамоа ҳурмати қозонди. Қарши политехникумида самарали фаолият юритгани боис вилоят Ёшлар ташкилотига ишга ўтказилди. Бу ерда ҳам турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари уюштириш, меҳнат жамоаларидаги ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб иш ва дам олиш шaroитлари яратиш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ишлари бўйича кучли ташкилотчи эканлигини намойиш этди. Натижада вилоят Ёшлар ташкилоти ташаббуси билан кўпга йигит-қизлар Қарши чўлини ўзлаштириш, шаҳарчалар ва кўрғонлар бунёд этишда фаол катнашди.

Маълумки, чўлни ўзлаштириш осон иш эмас. Жазирама иссиқда дам олиш нима-лигини билмай ишлаш инсондан катта матонат талаб қилади. Эсонбой ана шундай фазилятларга эга бўлгани боис маҳкам-катларни сабот, ташаббускорлик ва ёшларга йўлбошчилик қобилияти билан энгиб

ўтди. «Қаршистрой» бошқармасида «Бу-туниттифок ёшлар қурилиши штаби» раҳ-бари сифатида чўл кезди. Кўп ўтмай бош-қарманнинг Бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси этиб сайланди. Шу тарихи минг-минглаб меҳнатқашлар, чўлқуварлар тақдирига бевосита дахлдор, таъбир жоиз бўлса, жавобгар шахсга айланди. Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси сифатида эса ҳар бир тармоқда «Устоз – шоғирд» аъёнларини йўлга қўйиб, катта мактаб яратди. Устозларидан ўрганганларини ёш ходимларга ўргатишдан эринмади, шу асно кўпга шо-ғирдлар етиштирди.

Эсонбой Ражабов «Касабаси уюшмалари фақат санаторийга йўлланма берадиган ташкилот эмас. Уларнинг етакчилари хо-димларга муносиб меҳнат ва дам олиш шaroитлари яратиши, айниқса, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тадбирларни ўз вақтида ва бекаму кўст ўтказиши зарур. Эрталаб яхши кайфиятда ишга жўнаган ходим кечқурун уйига соғ-омон қайтмоғи лозим», деб ўқтиришдан чарчамасди.

У умрининг сўнги йилларида ҳам Ўз-бекистон касабаси уюшмалари Федерация-си Қашқадарё вилояти кенгаши раиси маслаҳатчиси сифатида эл-юрт равнақи, ходимлар манфаати учун қайғурди. Вата-нини астойдил севгани, чуқур инсоний фа-зилятларга эгаллиги, меҳрибонлиги, бар-чага тўғри йўл кўрсатадиган ҳақиқий етакчи, мард ва садоқатли инсон бўлгани сабабли «устоз», «оқоқол», «кайвони», «раис бува» мақомларини олди. Ҳалол ва самарали меҳнатлари эвазига «Шухрат» медалли, «Фидокорона хизматлари учун», «Эл-юрт хурмати», «Дўстлик» орденлари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўр-сатган ёшлар мурабийси» фахрий унвони

билан тақдирланди.

Сўнги уч йилда Эсонбой Ражабов-нинг сай-ҳаракатлари билан амалга оши-рилган ишларни таҳлил қилиб кўрсак, у ниҳоятда муваффақиятли фаолият юри-ганининг, ўз касбини севгани ва ҳамиша бошқаларга яхшилик қилишга интилга-нининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 2021-2023 йилларда 24 минг 384 та нодавлат секторга мансуб корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 263 минг нафардан ор-тиқ ходимлар касабаси уюшмалари сафига жалб этилган. Натижада 2021 йилда 17 минг 382 та, 2022 йилда 24 минг 588 та, 2023 йилда 25 минг 644 та юридик шахс томонидан жамоа шартномалари имзола-нган. Амалдаги жамоа шартномалари ва ке-лишувлари орқали 461 мингдан ортиқ иш-чи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ман-фаатлари қамраб олинган. Бу шартно-маларга мувофиқ, сўнги уч йилда хо-димларнинг ижтимоий-иқтисодий ман-фаатла-рини ҳимоя қилиш мақсадида узок му-дат фойдаланиладиган товарлар ҳамда уй-жой қурилиши учун 171 та корхона-таш-килот томонидан 2,1 миллиард сўмлик сус-далар, кам таъминланган, боқувчисини йў-қотган оилалар фарзандлари учун ўқув ку-роллари, дарслиklar харид қилишга 5 минг 725 та корхона-таш-килот томонидан 2,8 миллиард, турли кўринишдаги моддий ёр-дамлар учун 1 миллиард 817 миллион сўм маблаг ажратилган.

Шунингдек, 1092 та нодавлат мулк шаклидаги корхона-таш-килотда меҳ-нат қилаётган 2097 нафар ёш болали аёлга ой-лик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартиринишга, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бола пар-вариси билан банд бўлган 4 минг 323 нафар ёш онага 652 миллион сўмлик моддий ёр-

дамлар берилган. Касабаси уюшмаларининг бевосита кўмагида вилоят бўйича сўнги уч йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозо-рида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар иш билан таъ-минланган. Бундан ташқари, касабаси уюш-малари томонидан минг-минглаб ишчи-хо-димлар санаторийларда соғломлаштирил-ган, ёзги оромгоҳлардаги шарт-шaroитлар яхшилланган.

2021-2023 йилларда 2267 та корхона, ташкилот ва муассасадаги меҳнат муҳо-фазасининг ҳолати ўрганилиб, 6433 та кам-чилик аниқланган. Уларнинг 95 фоизи бе-восита касабаси уюшмалари аралашуви би-лан бартароф этилган.

Эсонбой Ражабов Ўзбекистон Марка-зий сайлов комиссияси аъзоси сифатида мамлакатимизда 2014-2020 йилларда бў-лган сайловлар миллий қонунчилигимиз талаблари ҳамда умумэтироф этилган халқро меъёрларга мос равишда очик-лик, ошқоралик, муқобиллик асосида ўт-казилишида фаол катнашган. 2004-2016 йилларда вилоятда маҳалла кенгашлари раисларини сайлаш комиссиясининг жа-моатчилик асосидаги раиси вазифасини ҳам адо этган. Қолаверса, ҳудудда иж-тимоий-иқтисодий соҳаларни ривожланти-риш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш бо-расида олиб борилган жамоат ишлари-га бе-восита раҳбарлик қилган.

Эсонбой ҳақида ҳар қанча ёз-сак, арзийди. Дўстимизнинг инсонийлик хислатлари, бо-шидан ўтказган воқеалар-нинг ўзи салмоқли бир асар бўлади. Энг муҳими, у ин-сон ўз умрини қандай бе-заш-ши мумкинлигини, бахт ва омад ҳар кимнинг тиним-сиз меҳнатлари ҳамда изла-нишлари маҳсули эканли-гини барчамизга кўрсатиб ва амалда исботлаб кетди. Дўстимизни Яратганининг ўзи махфират айласин!

Январ ИНОЯТОВ,

Қашқадарё вилояти

ҳокимлиги

Нуронийлар жамоатчилиги

кенгаши раиси,

вилоят ҳокими маслаҳатчиси

ЗАМОНАСИНИНГ АФСОНАСИ ЭДИ

Ёхўд Қорақалпоғистон, Туркменистон, Татаристон, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги давлат мукофоти совриндори Отажон Худойшукуровни эслаб...

1969 йил. Мен ўшанда 14 ёшда эдим. Сахар чоғи Косон туманининг Хўжақўрғон қишлоғида узок-узоклардан оҳангдор кўшиқ эшитила бошлади. Мен у қаердан янграётганини билмоқчи бўлиб, чор тарафга қулоқ тутдим. Аниқлашимча, кўшиқнинг номи «Феруз-1» бўлиб, Ҳошимжон ақанинг хонадониде Отажон Худойшукуров томонидан ижро этилган экан.

Бу ҳофизнинг ширали ва бетакрор овози мени ўзига бутунлай ром этиб, оромимни ўғирлаган эди. Кейинчалик у кишини Ислонхон Олимов уйда бўла-диган тадбирларда тез-тез учрата бошладим. Катта тўйларга келса, одамлар ҳовли ва кўчаларга сизмасди. Ҳофиз қаҳратон кишида ҳам очик жойда 5-7 соатлаб тинимсиз куйлар, мен ҳам шунча вақт у кишига микрофон ту-тиб турар эдим.

1974 йил баҳориде, аниқроғи, Қарши касб-хўнавар билим юртида ўқиётганимда, қамашлик Абду-рашид Бозоров билан бирга устоз-нинг Тўртқул шаҳридаги уйига тўйга бордик. Ҳовлидаги катта тантана сабабчилари Отажон Худойшукуровнинг Ҳасан-Хусан жиянлари бўлиб, устоз уларнинг тўйини ўтказиб бераётган экан.

Абдурашид ака мени Отажон акага таништираётди, «Сизга Қашқадарёдан ёш шоғирд олиб келдим», деди. Шунда устоз «Яхши! Унда бу йигит иккимиз меҳмонхона-ларни бир айланаб чиқайлик», деди. Сўнгра қўлига доирани олиб, мен билан бирга уйдаги меҳмон тўла тўртта хонага ки-риб чиқди. Ҳар бирида бўлганимизда иккитадан қўшиқ айтдик.

Табиики, шундай танikli санъаткор мен билан ҳамкорликда доира чалиб, кўшиқ айтганидан жуда хурсанд бўлдим. Меҳмонхонада Ортик Отажон-ов, Қувондиқ Искандаров, Шариф Султонов, Бобо-мурод Ҳамдамов, Ҳамроқул Одилов, Қаландар бахш-лар ҳам бор эди. Отажон устоз уларга мени «Бу ий-гитча Қашқадарёдан, менинг энг ёш шоғирдим», деб таништирди. Бироздан сўнгра ҳовлида шундай катта тўй

бўлдики, у ерга ва кўчаларга сизмаганлар кўшни уй-лар томларига ҳам чиқиб томоша қилишди.

Кейинчалик Отажон ака Қашқадарёга Ислонхон тоғамнинг тўйида катнашадиган бўлди. Бу хабарни эшитиб, одамлар ёғилиб кела бошлашди. Ниҳоят тўй бошланди. Мухлисари ҳатто юк машиналари, тра-кторлар ва даракларга чиқиб, ҳофизнинг кўшиқла-рини тинглади.

Тўй тугагач, маҳалладаги танишларимдан «Дарахт-ларга чиқиб, томоша қилишларингиз сабаби нима?» деб сўрадим. Улар «Биз ашулани бир неча ҳофиз айтаяпти деб ўйлаган-дик. Аслида эса уни Отажон Худойшукуровнинг бир ўзи куйлаётган экан. Биз бун-дай сеҳрли, чек-чегара билмас бетакрор авж-лар, фақат унга хос эканлигига ишон-дик», дейишди.

1983 йили Мух-тор Ашрафий номи-даги Тошкент дав-лат консерватория-сини битирдим. Давлат имтихо-нини топишгандан кун-ини Отажон ака бир кучоқ гул олиб ке-либ, мени табриклади. Кўп ўтмай Самарқандга тўйга бордик. Тўй эр-талаб соат олтида бошланиб, эртаси кун саҳаргача давом этди. Устоз деярли дам олмасдан, тонгни тунга, тунни тонгга улаб ашула

айтди. Кечаси «Тошкент ироғи» билан «Самарқанд уш-шоғи»ни шундай баланд пардаларда ижро этдики, дав-радагилар акам, биз – шоғирдлари ҳам ҳайратга тушиб, лол қотдик...

Тўйни ўтказиб, Отажон ака, Ғофир Худойшукуров, Райимбой аккардиончи ва мен Тошкентга қайтдик. Йўлда келаётди, «Устоз, тинимсиз кўшиқ айтиб чар-чамадингизми?», деб сўрадим. «Йўқ, қайтанга элга



Архив

хизмат қилиб, дам олдим», деди у мамнуният билан. Ортидан «Ҳеч вақт ғалабадан мағрурланма, мағлуби-ятдан руҳан тушқунликка тушма. Саҳнага чиқдингми, доим олдинга интил. Одамларнинг кўзига қара. Яхши ижро ҳам, ёмон ижро ҳам сеники эканлигини унутма!» деб кўшиб қўйди...

Мен консерваторияни тугатгач, Мухиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясида якка хонанда сифатида ишлаш бошлаган чоғларим Отажон ака «Аму тўлкини» ансамблига ишга тақлиф қилди. Афсуски, ўша пайтлар онам оламдан ўтган, ука ва сингилларим ёш, оилавий аҳволимиз оғирроқ эди. Шу боис отам иш жойимни ўзгартиришимга рухсат бер-мади.

1991 йили Қашқадарё вилояти пахта териш режа-сини бажаргани муносабати билан ўтказилган катта байрамга Отажон Худойшукуров келди. Ҳофизни кўриш ва кўшиқларини тинглаш учун уч мингдан зиёд томошабин йиғилди. Улар устозни катта олқишлар би-лан қарши олишди. У киши ҳам мухлисарига яхши тилақлар билдириб, «Бугун сизларга бисотимдаги энг сара кўшиқларимни куйлаб бераман» деди. Одам-лар унинг ижросидаги кўшиқларини завқ билан тинг-лашди. Айниқса, шўхларини айтганида, ёшу қари рақсга тушди. Пахта теришдек машаққатли меҳнат-нинг чарчоқлари тарқалиб, ҳамма санъат шайдосига айланди. Бундай файзли учрашувларни кўпчилик ха-нузгача кўзда ёш билан эслайди.

Отажон Худойшукуров Навоий ғазали билан «Эт-мас», Машраб ғазали билан «Савти суввора»ни доим хиргойи қилиб юришни яхши кўрарди. Севимли та-омлари ош ва лағмон эди. Энг муҳими, у ҳаммага бирдек эътиборли ва меҳрибон инсон эди. Ҳар бир созандаси ва шоғирдини ўз фарзандидек яхши кўрарди. Талаба-лик пайтларимиз ётоқхонага келиб, бўлғуси ҳофиз-ларга кўшиқ айтириб, эшитиб кўрар ва қимматли

маслаҳатлар берарди. Устозда саҳна маданияти ҳам ўта кучли эди. Созандалар билан бир хил кийимда саҳнага чиқишга жуда катта эътибор қаратарди.

Мана, Отажон ака оламдан ўтганига 30 йил бўлди. Аммо биз мухлисари ва шоғирдлари учун ҳамон ора-мизда юргандай. Қолаверса, тез-тез устозни эслаб, республика миқёсида катта тадбирлар ўтказилади. Уларда танikli санъаткорлар ва катта олимлар қат-нашиб, Отажон Худойшукуров ҳақидаги ширин хоти-рларини сўзлаб берадилар. Жумладан, ҳофизга со-зандалик қилган Ўзбекистон халқ артисти Абдухо-шим Исмоилов «Бу одамнинг ичида самолётнинг 14 та мотори борми, деб ҳайрон қолганман», деган гапни айтган. Бу бежиз эмас. Отажон ака бир гал Тожикис-тонда бўлган тўйда гитарарада 23 соат мақом ижро эт-ган. Даврадагилар бундан ҳайратга тушиб, у билан бирга куйлашган, рақсга тушмаган меҳмон қолма-ган. Ўзбекистон халқ артисти Ортик Отажонов «Ота-жон сувораларга бетакрор ҳайқал қўйиб кетди», деган бўлса, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон устозга бағишлаб «Учинчи дарё» шеърини ёзган. Ўзбеки-стон Қаҳрамони Абдулла Орипов «Отажон Худойш-укуровни тақдорлаш мумкин эмас» деб таърифлаган. Мен эса устознинг хонишларини тинглаб, «Бу минг овоз ичида ягона овоз», деган хулосага келганман. Унинг барча ижролари бенуксон, мукаммал эканли-гига тан берганман.

Халқимизнинг сеvimли санъаткори Отажон Худой-шукуров ҳаёт бўлганида бу йил 4 октябрда 80 ёшни қаршилар эди. Ўз замонасининг афсонаси, бетакрор олтин овоз соҳиб бўлган бу инсон доимо мухлисари ва шоғирдлари қалбиде яшайди.

Салоҳиддин ЛУТФУЛЛАЕВ,

Қарши ихтисослашган маданият мактаби

катта ўқитувчиси



Табрик

**Барча устоз ва мураббийларни,
таълим-тарбия соҳасининг
эсонкуяр ходимларини
умумхалқ байрами -
ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ
билан самимий муборакбод этамиз!**

**Касби
улуғ, қадри
баланд азиз
устозлар!
Сизларни гўзал
айёмингиз билан
сидқидилдан
қутлаймиз!
Келгусидаги
фаолиятингизда
муваффақиятлар ва
зафарлар ёр бўлишини
тилаймиз!**



«Ishonch» va
«Ishonch-Доверие»
gazetlari
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib - «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti -
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot -
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport -
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash -
(71) 256-85-43
Marketing va obuna -
(71) 256-87-73

**Hududlardagi
muxbirlar:**

Qoraqalpog'iston
Respublikasi -
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati -
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati -
(+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati -
(+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati -
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati -
(+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati -
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati -
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati -
(+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati -
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati -
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati -
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati -
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
Mualiflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydarov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti - 23:20
Topshirildi - 23:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manziliimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

**Umumiy adadi
35 021 ta**

Shundan:
7 139 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi -
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uyda;

19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ
bosmaxonasi -
Samarqand shahri,
Spitamen ko'chasi,
270-uyda;

8 799 nusxasi
«Poligraf-Press»
MCHJ bosmaxonasi -
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G 1011

1 2 3 4 5 6